

## Санъат нафосати

Санъат эстетикаси ўзига хос олам. Шунга кўра уни нафосатга бурканган ижтимоий ҳодиса дейиш мумкин. Санъат ҳаётнинг инъикоси экан, у шу маънода инсоннинг ўзини ўзига кўрсатувчи кўзгу вазифасини ўтайди. У инсонни ўргатади, даъват этади, гўзаллаштиради. Бу вазифаларни бажаришда эстетика санъатнинг кўмакчisi, етакчisi ҳисобланади. Эстетика санъатнинг пайдо бўлишидан тортиб, унинг турлари-ю жанрларигача, санъатнинг ички механизмидан тортиб, санъаткорнинг ижодкорлик табиатигача бўлган барча жараёнларни қамраб олади.



Жорий йилнинг 19 Март Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5та муҳим ташабbus ҳамда Олий таълим муассасаларида тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жамиятимиз истиқбоига дахлдор. Биринчи ташабbus ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини оширишга, истеъдодларини юзага чиқаришга хизмат қилиши қайд этилган.



Худди шу мақсадда 29 май куни “СХТ ва Б” факультетининг 104 - гурух талабаларининг ташабbusи билан фалсафа фани ўқитувчиси ҳамроҳлигига Ўзбек миллий академик драма театрига ташриф буюришди. Унда Мухтор Аvezov асари асосидаги Носир Фозилов таржимаси билан "АБАЙ" драмасининг намойиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекитонда хизмат кўрсатган артист, Қарақалпоғистон санъат арбоби Марат Азимов саҳналаштирган. “Театр - ибратхонадир”, - дея Махмудхўжа Беҳбудий бежиз айтмаган. У ўзининг “Падаркуш” драмасини саҳналаштириб, халқнинг маънавиятини юксалтиришга ҳаракат қилди. “Театр на фақат ибратхона балким инсоннинг эстетик дунёқарашини ўстира ва ўзгартира оладиган ҳақиқий маънавий маскан ҳисобланади” (Баҳриддин Муқим). Томошанинг ниҳоясида талабаларнинг юзу кўзида ана шу мантиқ зуҳур этди.

**“ГИМ” факультети “Гуманитар фанлар” кафедрасининг ассистенти Баҳриддин Муқимов ахбороти.**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**